ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.B.91.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДЖОНОВ ЗАФАРЖОН МУРОДЖОН ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ТАРҚАЛГАН HYGROMIIDAE ОИЛАСИНИНГ ЭКОЛОГО – ТАКСОНОМИК ТАРКИБИ ВА ҲАЁТ ТАРЗИ

03.00.06 – Зоология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Гулистон – 2021

УЎК: 597.2:639.3

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Махмуджонов Зафаржон Муроджон ўғли
Ўзбекистон худудида тарқалган Hygromiidae оиласининг эколого - таксономик таркиби ва ҳаёт тарзи ……..... **5**

Махмуджонов Зафаржон Муроджон угли
Эколого-таксономическая структура и образа жизни семейства Hygromiidae распространенных на территории Узбекистана..... **21**

Maxmudjonov Zafarjon Murodjon o`g`li
The ecological-taxonomic structure and way of life of the family Hygromiidae distribution in the territory of Uzbekistan ……..... **39**

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... **42**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.B.91.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДЖОНОВ ЗАФАРЖОН МУРОДЖОН ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ТАРҚАЛГАН HYGROMIIDAE ОИЛАСИНИНГ ЭКОЛОГО – ТАКСОНОМИК ТАРКИБИ ВА ҲАЁТ ТАРЗИ

03.00.06 – Зоология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Гулистон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/B243 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.Guldu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида (www.ziyonet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Пазилов Абдуваит** биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Иззатуллаев Зувайдулло Иззатуллаевич** биология фанлари доктори, профессор
	Каримқулов Абдулла Таджиқулович биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.91.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» май куни соат 11^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225–39–25, факс (+99867) 225–39–25, E–mail: glsuinfo@edu.uz.

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225–39–25.

Диссертация автореферати 2021 йил «21» апрел куни тарқатилди.
(2021 йил «21» апреддаги №4-сонли реестр баённомаси)

Х.К.Каршибаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси б.ф.д., профессор

Ф.П.Ганибназарова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби б.ф.ф.д. (PhD) доцент

И.У.Уразбоев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д. (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида кузатилаётган экологик ҳолатнинг кескин ўзгариши ҳайвонот оламининг биоэкологик хусусиятларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, урбанизациянинг кенгайиши қуруқлик моллюскаларини локал яшаш жойларининг қисқариб боришига ҳамда ноёб ва табиатан камёб бўлган турларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, табиий ландшафтларда қуруқлик моллюскаларининг хилма-хиллигини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини асослаш, камёб ва йўқолиб бораётган турларни сақлаб қолиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда табиий ва антропоген муҳитларда кенг тарқалган моллюска гуруҳларининг атроф-муҳит ва биологик тизимларга таъсирини белгилаш уларнинг популяцияларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан Hygromiidae оиласи вакилларининг чўл, адир, тоғ минтақалари ва урбанлашган ҳудудларда яшовчанлиги ҳамда хилма-хил стацияларга мослашувчанлигини ҳисобга олган ҳолда моллюска популяцияларидаги ўзгаришларни изоҳлаш, популяция биологиясини асослаш, табиий биоценозларнинг ифлосланиши даражасини аниқлаш, тоғ олди ва тоғли ҳудуд ландшафтларидаги антропоген босимни белгилаш ва зарарли турларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда биологик хилма-хилликни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш жумладан, умуртқали ҳайвонларни инвентаризациялаш, кадастрлаш ва ноёб турларини сақлаб қолиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[1] «...атроф-муҳит ва генофондга таъсир этаётган муаммоларни бартараф этиш» юзасидан вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистондаги Hygromiidae оиласи қуруқлик моллюскалари замонавий ҳолатини баҳолаш, экологияси ва ҳаёт циклини асослаш, камёб ва ҳимояга муҳтож турларини сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қуруқлик моллюскаларнинг таксономик таркиби, биологиясига оид тадқиқотлар хорижнинг етакчи олимлари G.A. Parker (1983) F. Giusti, C. Manganelli (1987), A. Staikou, M.Lazaridou-Dimitriadou (1991), Sh. Adamo, A. Chase (1990), B.J. Gomez (1991) ва бошалар томонидан олиб борилган. МДҲ мамлакатларида Марказий Осиё қуруқлик моллюскаларининг систематикаси, зоогеографияси, эволюцияси ва хўжалик аҳамиятига оид маълумотлар И.М. Лихарев, Е.С. Раммельмейер (1952), А.А. Шилейко (1978), Е.В. Шиков (1979, 1983), А.А. Байдашников (1988, 1992), И.М. Хохуткин (1996, 2004), И.А. Балашёв (2006, 2011), А.Мухитдинов (1978), К.К. Увалиева (1990), Н.В. Гураль-Сверлова, Р.И. Гураль (2010, 2012) ларнинг тадқиқот ишларида акс эттирилган.

Ўзбекистонда малакологик тадқиқотлар З. Иззатуллаев (1970, 1975), А.Пазилов (1992, 1996, 1998, 2005), Д. Даминова (2002), А. Каримқулов (2011), Ф. Гаибназарова (2017), Ж. Қудратов (2018), Ш. Абдулазизова (2019) ва бошқаларнинг илмий изланишларида акс этган бўлиб, улар, асосан, қуруқлик моллюскаларининг таксономияси, эволюцияси, хўжалик аҳамияти ва уларда борадиган ўзгарувчанлик жараёнларига тўхталиб ўтган. Бироқ бу тадқиқотлар Ўзбекистондаги Hygromiidae оиласига мансуб қуруқлик моллюскаларининг биологик хусусиятлари, экологияси ва ҳаётий цикли ҳақида тўла маълумот бера олмайди. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистондаги Hygromiidae оиласига мансуб моллюскаларнинг таксономик таркибини, тарқалишини, кенг тарқалган турларининг кўпайишини ва ҳаётий циклини ўрганиш ҳамда конхологик белгилари ўзгарувчанлигини асослаш ҳимояга муҳтож ва камёб турларини сақлаб қолиш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф-5-17 “Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар қуруқлик моллюскаларидаги ўзгарувчанлик қонуниятлари ва тур ҳосил бўлиш жараёни” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ҳудудида тарқалган Hygromiidae оиласи қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркибини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини очиб бериш ва камёб турларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Hygromiidae оиласининг вакиллари рўйхатини тузиш;

Leucozonella авлодининг кенг тарқалган ва конхологик жиҳатдан ўхшаш турларини молекуляр – генетик таҳлил қилиш;

оила вакилларининг экологик хусусиятларини очиб бериш;

кенг тарқалган турлар конхологик белгиларининг ўзгарувчанлик жараёнларини таҳлил қилиш;

кенг тарқалган турларнинг кўпайиши ва ҳаёт тарзини аниқлаш;

муҳофазага муҳтож турлар таркибини аниқлаш ва ҳимоялашга оид тавсиялар ишлаб чиқиб, тарқалиш харитасини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон худудида тарқалган Hygromiidae оиласига мансуб қуруқлик моллюскалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Hygromiidae оиласи қуруқлик моллюскаларининг таксономияси, биологик ва экологик хусусиятлари, конхологик ўзгарувчанлигидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида Зоологик, малакологик, молекуляр-генетик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон ҳудудида Hygromiidae оиласи қуруқлиқ моллюскаларининг 4 кичик оила, 8 авлодга мансуб 33 турининг рўйхати тузилган ва фан учун янги 1 та (*Archaica haziratishaxika*) ва Ўзбекистон фаунаси учун 5 та янги тури аниқланган;

Hygromiidae оиласи вакилларининг яшаш жойлари хусусиятларидан келиб чиқиб, гигробионт, мезобионт, ксеробионт ва мезоксеробионт гуруҳлари асосланган;

қурғоқчил иқлим шароитида чиғаноқ белгиларининг (шакли, ранги, қалинлиги, скульптураси, киндик тузилиши ва ўлчамлари) ўзгарувчанлиги яшаш жойига боғлиқ эканлиги исботланган;

Leucozonella retteri ва *Monacha cartusiana* моллюскаларининг 6 босқичдан иборат ҳаёт циклининг ривожланиш хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Hygromiidae оила вакилларининг баландлик минтақалари ва биотоплар бўйича тарқалиши очиб берилган ва шу асосда морфологик белгиларининг ўзгарувчанлиги аниқланган;

конхологик жиҳатидан ўхшаш бўлган турларнинг рибосомал ДНК ITS-1 соҳасининг нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланган;

муҳофазага муҳтож *Nanaja cumulata, N. chatkalica, Leucozonella corona, Archaica eleorika, Odontotrema diplodon, L. ferghanica* турлар популяцияларининг замонавий ҳолати баҳоланган ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги классик ва замонавий тадқиқот усулларининг қўлланганлиги, улар асосида олинган натижаларнинг илмий нашрларда чоп этилганлиги, замонавий зоологик, молекуляр-генетик, экологик, морфометрик усуллар ва ёндашувлар ёрдамида асосланганлиги, натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон худудида тарқалган Hygromiidae оиласи моллюскалари комплекс равишда ўрганилиб, эколого-таксономик таркиби аниқлангани ва фан учун янги бўлган битта ҳамда Ўзбекистон фаунаси учун 5 турнинг қайд этилганлиги, оила вакилларининг экологик хусусиятлари ва баландлик минтақалари бўйича тарқалиш қонуниятлари очиб берилганлиги ҳамда ҳаёт цикли босқичлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кенг тарқалган турлар биологиясига ва экологиясига, баландлик минтақалар ва биотоплар бўйича тарқалишига оид маълумотлар, паразитар касалликларни тарқатишда оралиқ хўжайин ҳисобланган моллюскаларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон худудида тарқалган Hygromiidae оиласининг эколого-таксономик таркиби ва ҳаёт тарзини ўрганиш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон худудида тарқалган Hygromiidae оиласининг 2 турига мансуб 14 нусха моллюска намуналари Республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 18 сентябрдаги 4/1255-1934-сон маълумотномаси). Натижада, республиканинг тоғ тизмалари биоценозлари малакофаунасининг турлар таркибини аниқлаш, зонал тарқалиш хусусиятларини баҳолаш ҳамда қуруқлик моллюскалари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш имконини берган;

L. mesoleuca ва *L. angulata* турларининг рибосомал ДНК ITS1 соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар Биотехнологик ахборотлар Миллий маркази Генбанки базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар Миллий маркази, www.blast.ncbi.nlm.nih.gov). Натижада, *L. mesoleuca* – MW 218145, *L. angulata* – MW 433005 идентификация рақамлари олинган ва улар Hygromiidae оиласи тизимидаги моллюскаларни молекуляр филогенетик ўрнини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Hygromiidae оиласи бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида қуруқлик моллюскаларининг фаунаси, тарқалиши, биологияси, экологияси ва хўжалик аҳамиятига оид ишлар Ўзбекистон ва Марказий Осиё Республикалари ва шунга ўхшаш тадқиқот ишлари, яқин ва узоқ хориж давлатларда олиб борилаётганлиги, тадқиқот ишлари натижалари ва чоп қилинган адабиётлар таҳлил қилинган.

Илмий манбаларда Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркиби, зоогеографиясига оид маълумотлар мавжудлигини эътироф этиш мумкин. Бироқ, Hygromiidae оиласига оид маълумотлар қисман ёритилган бўлиб, қарийб барча фундаментал ишлар ўтган асрнинг 80-90-йилларига тўғри келиб, шу давргача оиланинг таксономик таркиби тўғрисида ягона фикрнинг мавжуд эмаслиги, шунинг билан бир қаторда оила вакилларининг ҳаёт тарзи ҳамда муҳофазага муҳтож турлар тўғрисида умуман маълумотнинг йўқлиги мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб берган.

Диссертациянинг **“Hygromiidae оиласи моллюскаларининг эколого-таксономик таркиби ва ҳаёт тарзини ўрганиш услублари ва материали”** деб номланган иккинчи бобида материал йиғилган ҳудудлар ва унинг харитаси тадқиқот усуллари баён қилинган.

Hygromiidae оиласини тадқиқ қилиш ишлари 2012-2020 йиллар давомида олиб борилди.

Тадқиқот материаллари Чотқол тоғ тизмаси: Шавозсой ҳавзаси Қорақия қишлоғи, Жартош қишлоқлари атрофи, Ақчасой дарёсининг ўрта оқими жанубий ёнбағирлари, Янгиобод шаҳри атрофи тоғ ёнбағирлари, Эртошсой ҳавзаси, Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси ҳудуди, Сўқоқ қишлоғи атрофи, Оқсоқотасой ҳавзаси, Угом Чотқол давлат табиат миллий боғи ҳудуди, Тераклисой дарёси ўрта оқими. Пском тоғ тизмаси: Боғистон қишлоғи шарқий қисмидаги ёнбағирлар, Нанайсой ҳавзаси; Тавалган тепаликларининг жанубий қисми; Пском дарёси чап қирғоғи Мулола қишлоғи атрофи; Каптаркумушсой ҳавзаси.

Угом тоғ тизмаси: Сижжак қишлоғи шимоли-ғарбий қисми, тепаликларнинг жанубий ёнбағирлари; Қорабулоқсой ҳавзаси, Қорабулоқ қишлоғи атрофи, Пском дарёси ўнг қирғоғи, Қўшбулоқ атрофи тош уюмлари, Таканёнғоқ ва Жовжурек қишлоғи атрофлари.

Қурама тоғ тизмаси шимолий ёнбағирлари: Қорақиясой дарёси ўнг ва чап қирғоғлари, Совуқбулоқсой ҳавзаси, Чинор қишлоғи атрофи тепаликларининг жанубий ёнбағри, Ургаз дарёси чап ирмоғи ҳавзаси, Шавгазсой тепаликлари жанубий ёнбағирлари, Гўшсой дарёси ўнг ирмоғи, Лашкерек қишлоғи атрофи. Шунингдек, Туркистон тоғ тизмаси шимолиғарбий қисми, Зарафшон, Нурота тоғ тизмаларида 20 дан ортиқ жойлардан, ҳамда Ўзбекистоннинг барча текислик ҳудудларидан жами мингга яқин намуналар олиниб, йиғилган моллюскалар сони 3179 тани ташкил қилади.

Кузатув ва амалий тажрибалар Туркистон тоғ тизмасининг шимолиғарбий қисмида жойлашган Зомин қўриқхонаси ва Нурота тоғ тизмасида жойлашган Нурота қўриқхонасида олиб борилди.

Йиғилган материалларни Гулистон давлат университети “Экспериментал биология” лабораториясида тур даражасигача аниқланди. Бунда А.А.Шилейко (1978) ва А.Пазилов, Д.А.Азимов (2003) аниқлагичларидан фойдаланилди. Моллюскаларда борадиган умумий ўзгарувчанликни қиёсий тавсифлашда П.В.Терентьев, Н.С.Ростова (1977), Н.С.Ростова (1978) методларидан фойдаланилган.

Олинган натижаларни комьпютер ёрдамида Microsoft Excel дастури асосида статистик таҳлил қилинган.

Молекуляр генетика тадқиқот ишлари ЎзР ФА Зоология институти “Молекуляр зоология” лабораторияси ва “Геномика ва биоинформатика” марказида бажарилди.

Дисертациянинг **“Hygromiidae оиласи эколого-таксономик тавсифи”** деб номланган учинчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, унда оиланинг таксономик таркиби, конхологик жиҳатидан ўхшаш турларнинг молекуляр таҳлили, экологик хусусиятлари ва баландлик минтақалари бўйича тарқалиши ҳамда кенг тарқалган турлар конхологик белгиларининг ўзгарувчанлиги таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда Hygromiidae оиласининг 4 кичик оила ва 8 авлодига мансуб бўлган 33 турдаги моллюскалар тарқалганлиги аниқланган. Қуйида систематика ва номенклатуранинг замонавий талаблари асосида турларнинг таксономик рўйхати (**!** - фан учун янги тур; * - Ўзбекистон фаунасидаги янги турлар) келтирилган:

Mollusca Linnaeus, 1758 типи

Gastropoda Guver, 1795 синфи

Pulomonata Guver in Blainville, 1854 кенжа синфи

Stylommatophora Schmid, 1855 катта туркуми

Geophila Ferussak , 1812 туркуми

Hygromiidae Tryon,1866 оиласи

Trochulinae Lindholm, 1927 кичик оиласи

Nanaja Schileyko,1978 авлоди

1. *Nanaja cumulata* Schileyko, 1978, 2. *Nanaja chatkalica* Kuznetsov, 1996.

Odontotrema Lindholm,1927 авлоди.

3. *Odontotrema diplodon* Lindholm, 1927.

Leucozonella Lindholm,1927 авлоди.

Leucozonella s.str. кичик авлоди.

4. *Leucozonella (L.) ferghanica* Lindholm, 1927. 5. *Leucuozonella (L.) rubens* (Martens, 1874). 6*. *Leucozonella (L.) caryodes* (Westerlund,1896). 7. *Leucozonella (L.) mesoleuca* (Martens, 1874). 8. *Leucozonella (L.) rufispira* (Martens, 1874). 9. *Leucozonella (L.) retteri* (Rosen, 1897). 10. *Leucozonella (L.) angulata* Westerlund, 1896. 11. *Leucozonella (L.) schileykoi* Pazilov et Daminova, 2001. 12. *Leucozonella (L.) globuliformis* Lindholm, 1927. 13. *Leucozonella (L.) caria* Schileyko, 1977. 14. *Leucozonella (L.) intermediia* Uvalieva, 1995. 15. *Leucozonella (L.) corona* Schileyko et Rymzhanov, 2110.

Narinula Schileyko,1979 кичик авлоди.

16. *Leucozonella (N.) hypophaea* Lindholm,1927. 17. *Leucozonella (Narinula) crassicosta* Schileyko, 1978.

Xeropicta Monterosato, 1802 авлоди.

18. *Xeropicta candacharica* (L. Pfeiffer, 1846).

Archaicinae Schileyko,1978 кичик оиласи.

Archaica Schileyko,1970 авлоди.

Euarchaica Schileyko,1970 кичик авлоди.

19. *Archaica (E.) heptapotamica* (Lindholm, 1927).

Archaica Schileyko,1978 кичик авлоди.

20. *Archaica (A.) apollinis* Martens, 1882.

Ugama Schileyko,1978 кичик авлоди.

21. *Archaica (U.) labianix* Schileyko, 1978. 22. *Archaica eleorika* Schileyko et Pazilov, 2003. 23!. *Archaica haziratishaxika* , Pazilov, Qudratov et Maxmudjonov, sp. nov.

Euomphaliinae Schileyko, 1978 кичик оиласи.

Monacha Fitzinger, 1833 авлоди.

24. *Monacha carthusiana* (Muller,1774).

Paedhoplitinae Schileyko, 1978 кичик оиласи.

Angiomphalia Schileyko, 1978 авлоди.

25. *Angiomphalia regeliana* (Martens,1882). 26. *Angiomphalia copiosa* Schileyko, 1978. 27*. *Angiomphalia caelestiomontana* (Tzvetkov, 1940). 28*. *Angiomphalia exasperata* Schileyko et Uvalieva, 1978. 29. *Angiomphalia seductilis* (Westerlund, 1898).

Paedhoplita Lindholm, 1927 авлоди

Lentiga Schileyko, 1978 кичик авлоди

30. *Paedhoplita (L.) lentina* (Martens, 1885); 31*. *Paedhoplita (L.) buamica* Tzvetkov et Tzvetkova, 1943

Paedhoplita s.str. кичик авлоди

32*. *Paedhoplita* (*P.) laminata* Lindholm, 1927; 33. *Paedhoplita* (*P.*) *lindholmi* Tzvetkov et Tzvetkova.

Тадқиқот натижаларига кўра Hygromiidae оиласининг таксономик таркиби фан учун янги бўлган *Archaica haziratishaxika* , Pazilov, Qudratov et Maxmudjonov sp. nov. ва Ўзбекистон фаунаси учун янги ҳисобланган *Leucozonella caryodes, Angiomphalia caelestiomontana, A. exasperata, Paedhoplita buamica, P. laminata* турлари билан бойитилган ҳамда бу

турларнинг барчаси тўғрисида диссертация ишида батафсил маълумот келтирилган.

Ўзбекистонда тарқалган Hygromiidae оиласининг фаунистик спектри ўзига хос бўлиб, Trochulinae кичик оиласи таркибига 4 авлод, Archaicinae ва Euomphalinae кичик оилалари 1 тадан авлод ва Paedhoplitinae 2 авлодни ўз ичига олиб, оила таркиби жами 8 авлоддан ташкил топган бўлиб, турлар сонига нисбатан *Leucozonella* авлоди кўпчиликни ташкил этади (14 тур), жами Ўзбекистон ҳудудида учрайдиган Hygromiidae оиласининг 42,42% ташкил қилади.

Мазкур бобнинг 3.2-бўлими конхологик жиҳатидан ўхшаш ва кенг тарқалган турларнинг молекуляр-генетик таҳлилига бағишланган бўлиб, унда *L. mesoleuca* ва *L. angulata* турларининг рибосомал ДНК (рДНК) ITS-1 соҳаси амплификация қилинди. Натижада *L. mesoleuca* ва *L. angulata* моллюска турларини рДНК ITS-1 соҳасидан 210 жуфт нуклеотидлар ажратиб олинди ва сиквенс қилинди. Қуйида ушбу моллюска намуналаридан олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги келтирилган (1-расм).



1-расм. *L. mesoleuca* ва *L. angulata* моллюска турларида нуклеотидлар кетма- кетлиги

Изох: ITS-1 фрагменти **(**5’ дан 3’–охирги учга томон йўналишда, нуқталар билан бир хилдаги нуклеотид асоси белгиланган).

L. mesoleuca билан *L. angulata* турларининг нуклеотидлари ўртасида сезиларли даражада фарқланишлар мавжуд бўлиб, бу фарқланишлар 31, 39, 40, 42, 59, 64, 70, 71, 72, 82, 84, 85, 126, 136, 137, 138, 139, 142, 144, 149, 164, 165, 167, 170, 171, 172, 188, 192, 194, 196, 202, 203, 205, 207 ва 210 нуклеотидларда қайд этилди ва нуклеотидлар ўртасидаги умумий фарқланишлар 35,5 % эканлиги аниқланди.

Ушбу олинган маълумотларни халқаро Генбанк базасидаги маълумотлар билан солиштирилганда *L. mesoleuca* ва *L. angulata* турлари билан шу авлодга мансуб *L. hypophaea, L. rubens* ва конхологик жиҳатидан *L. mesoleuca* га ўхшаш бўлган *Leucarchaica rudimentifera* турлари билан нуклеотидлари кетма - кетлиги солиштирилганда қуйидагича фарқланишлар қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

***Leucozonella* авлоди вакиллари нуклеотидлар кетма - кетлиги ўртасидаги фарқланишлар**

№	Турлар номи	1	2	3	4	5
1	*Leucozonella mesoleuca*	-	35,5	53,3	53,3	53,8
2	*L. angulata*	35	-	48,09	48,09	48,5
3	*L. hypophaea*	112	101	-	0	0,4
4	*L. rubens*	112	101	0	-	0,4
5	*L. rudimentifera*	113	102	1	1	-

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, *Leucozonella* авлоди вакиллари ўртасида фарқланиш *L. mesoleuca* тури билан *L. hypophaea ва L. rubens* турлари ўртасида 112 та нуклеотида фарқланишлар бўлиб, 53,3% тенг. Конхологик жиҳатидан ўхшаш бўлган *L. mesoleuca* ва *L. rudimentifera* турида 113 та нуклеотид фарқланиш бўлиб, 53,8% ни ташкил қилди. *L. angulata* тури билан *L. hypophaea* ва *L. rubens* 101 та нуклеотид ўртасида фарқлар мавжуд бўлиб, 48,09 % ни ташкил этди.

Олинган натижалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, *L. mesoleuca* ва *L. angulata* турлари билан шу авлодга мансуб *L. hypophaea, L. rubens* ҳамда конхологик жиҳатидан *L. mesoleuca* га ўхшаш бўлган *Leucarchaica rudimentifera* турларининг нуклеотидлари таркибидаги рДНКнинг ITS-1 соҳасида сезиларли даражадаги фарқланишнинг мавжудлиги бу турлар конхологик жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлса-да, бироқ генетик жиҳатидан алоҳида мустақил тур эканлигини тасдиқлайди.

Hygromiidae оила вакилларининг экологик хусусиятлари ва баландлик минтақалари бўйича тарқалиши мазкур бобнинг 3.3-бўлимида муҳокама қилинган. Hygromiidae оила вакилларининг яшаш жойи хусусиятидан келиб чиқиб, популяциялар ядросининг жойлашиши, моллюскаларнинг бирор бир стацияга боғлиқлиги ва зичлиги юқори бўлишини эътиборга олиб, улар яшайдиган ҳудудларни 3 экологик комплексга ажратиш мумкин: текислик ўсимликлар ассоциацияси; ярим бутали ва бутали ўсимликлар ассоциацияси; тош уюмлари ва дарахтли ўсимликлар ассоциацияси. Бу экологик комплекслардаги биотопларда ўзига хос микроиқлим шаклланган.

Экологик комплексдаги моллюскаларни намликка бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, биотоплардаги намлик даражасига қараб Hygromiidae оила вакиллари гигробионт, мезобионт, ксеробионт ва мезоксеробионт гуруҳларига ажратилган. Турлар сонига нисбатан мезоксеробионтлар кўпчиликни ташкил этиб (13 тур), Ўзбекистонда учрайдиган жами

Hygromiidaeларнинг 39,39%ига тенг. Ундан кейин ксеробионтлар 8 тур ёки 24,24%, мезобионтлар 7 та 21,21% ва гигробионтлар 5 тур ёки 15,15%ни ташкил этади (2-расм).



2-расм. Биотоплардаги намлик омилига нисбатан Hygromiidae оила вакилларининг экологик гуруҳлари.

Гигробионт турлар. Бу гуруҳ вакилларига намлик даражаси юқори бўлган биотопларда (сув бўйларига яқин жойлардаги ўсимлик орасида ва тўкилган барг қопламлари ости) яшайдиган *L. ferghanica, Paedhoplita lentina, P. buamica, P. laminata, P. lindholmi* турлари киради.

Мезобионт турларга намлик даражаси ўртача бўлган биотопларда яшайдиган: *Nanaja cumulata, Odontotrema diplodon, Angiomphalia copiosa, An. seductilis, An. caelestiomontana, An. exasperata, An. regeliana* турлар киради.

Ксеробионт турларга қурғоқчил биотопларда (очиқ жойлардаги ўсимликлар поясида, тош уюмлари остида) яшайдиган: *L. rufispira, L. retteri, L. caria, L. hypophaea, L. crassicosta, X. candacharica, Archaica eleorika. Archaica hazratishaxika* турлари киради.

Мезоксеробионт турлар. Бу гуруҳ вакиллари оралиқ турлар ҳисобланиб, асосан, озуқа манбаига боғлиқ ҳолда мезобионт ва ксеробионт шароитга эга бўлган биотопларда яшайдиган: *Nanaja chatkalica, Leucozonella caryodes, L. rubens, L. mesoleuca, L. angulata, L. schileykoi, L. globuliformis, L. intermediia, L. corona, Archaica heptapotamica, Ar. labianix, Ar. apollinis, Monacha carthusiana* турлари киради.

Hygromiidae оила вакиллари баландлик минтақалари ва биотоплар бўйича тарқалиши қуйида келтирилган:

чўл минтақаси. Бу минтақада 5 биотоп (боғ ва полиз экинлари майдонлари, ариқ бўйларидаги ўтлар ораси, дарё терассалари, бедапоя

майдонлари, ўзлаштирилмаган майдонлардаги турли хил ўсимликлар ораси) ўрганилиб, фақат *X. candacharica* тури учрайди. Унинг популяциядаги зичлиги турлича бўлиб, ариқ бўйларидаги ўтлар орасида 1 м^2 майдонда 12-15 тага тенг бўлса, бедапоя майдонларида бу кўрсатгич 50-60 та ва баъзида 100 дан ҳам ортиқ бўлиши аниқланган;

адир минтақасида Hygromiidae оила вакиллари асосан қуйидаги биотопларда: сув бўйларига яқин ерлардаги ўсимлик қоплами, ёнбағирлардаги ярим бутали ўсимликлар ораси, ёнбағирлардаги тош уюмлари ва бутазорлар орасида яшайди.

Ўзлаштирилмаган майдонлардаги шувоқзорларда *X. candacharica* тури кенг тарқалган. Ёнбағирлардаги ярим бутали ўсимликлар ораси ва тош уюмлари остида *L. mesoleuca* тури яшаб, унинг популяциядаги зичлиги унча юқори эмас. 1м^2 майдонда 2-3 та ни ташкил этади. Сув бўйларига яқин ерлардаги ўсимликлар поясида *Monacha carthusiana* тури учрайди.

Адир минтақасининг рельефи ва ўсимлик дунёсининг хилма-хил бўлиши, моллюскалар яшаши учун оптимал шароитга эга бўлган биотопларнинг шаклланишига олиб келган;

тоғ минтақаси. Тоғларнинг нам шимолий ва шимоли-ғарбий ёнбағирларида мезофит, аксинча, жанубий, нисбатан қуруқ ёнбағирларида ксерофит ўсимликлар учраса, захкаш ботиқларда, ёғин кўпроқ тушадиган тоғ ёнбағирларида баргли ўрмонлар ва ҳар хил буталар ўсиб, моллюскалар яшаши учун оптимал бўлган биотоплар шаклланган.

Тоғ минтақасида Hygromiidae оила вакиллари қуйидаги биотопларда учрайди. Турли хил ярим бутали ва бутали ўсимликлар ўсадиган биотопларда: *N. chatkalica, L. angulata, L. schileykoi, L. hypophaea, Archaica eleorika, A. regeliana* турлари яшаб, уларнинг популяциядаги зичлиги турлича. Масалан, *L. schileykoi, A. regeliana,* турларининг популяциядаги зичлиги 1м^2 майдонда 5-7 та ни ташкил қилса, *Archaica eleorika, L. angulata* турларида бу кўрсатгич 2-3 тага тенг бўлади, *L. chatkalica* 2-3 м^2 да 1 ёки 2 донани ташкил қилади.

Очиқ жойлардаги ярим буталар орасида *L. rubens, L.caryodes* турлари тарқалган ва уларнинг популяциядаги зичлиги 1м^2 майдонда 8-10 тани ташкил қилади.

Бутали ўсимликлар орасидаги тошлар остида *L. mesoleuca, L. globuliformis, L. caria, Ar. labianix, Ar. hazratishaxika, A. copiosa, A. caelestiomontana* турлари яшайди ва бу турлардан *L. mesoleuca*нинг популяцияда зичлик даражаси юқори бўлиб, у 15-20 тага тенг. *A. copiosa, A. caelestiomontana* турларининг зичлик даражаси паст - 3 м^2 да 1 ёки 2 тага тенг.

Сув бўйларига яқин жойлардаги ўтлар ораси ва поясида *O. diplodon, M. carthusiana, P. lindholmi, A. seductilis* турлари учраб, популяциядаги зичлиги, *P. lindholmi, A. seductilis* турлариники 1м^2 майдонда 3-5 тани ташкил қилса, *M. carthusiana* бу кўрсатгич анча юқори бўлиб, Хўжамушкентсой ҳавзаси (Янгиобод тумани, Жиззах вилояти) сув бўйларида ўсадиган ялпиз поясида

1 м^2 майдонда 15-20 та ва баъзи йиллари ундан ҳам кўпроқни ташкил қилиши мумкин.

Тоғ минтақасида турли хил ёнбағирларида тош уюмлари кенг тарқалган бўлиб, улар орасида *L. rufispira, L. retteri, L. intermediia, L. corona, L. crassicosta, Ar. heptapotamica, Ar. apollinis, P. buamica, P. laminata* турлари яшайди. Бу турларнинг популяциядаги зичлиги турли тоғ тизмаларида турлича. Масалан, *L. rufispira* Шавозсой ҳавзасида 1м^2 5-7 та учраса, Оқсоқотасой ҳавзасида эса 8-9 та (Чотқол тоғ тизмаси), Қурама тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирлари, Қорақиясой дарёси ўнг ва чап қирғоқларида 10-12 тани ташкил этса, Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани, Ишкент дарё ўнг қирғоғида популяциядаги зичлик кўрсатгичи 15-17 ни ташкил қилади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра тоғ минтақасида Hygomiidae оила вакилларининг 31 тури 6 биотопда учраб, бу турлар биотоплар бўйича нотекис тарқалган (3-расм).



3-расм. Тоғ минтақасида Hygromiidae оила вакилларининг биотоплар бўйича тарқалиши.

Изоҳ: 1-6 биотоплар: 1-ярим бутали ва бутали ўсимликлар; 2-очиқ жойлардаги ярим буталар; 3-бутали ўсимликлар орасидаги тошлар ости; 4-бутали ва дарахтли ўсимликлар остидаги барг тўшамлари; 5-сув бўйларига яқин жойлардаги ўтлар; 6-ёнбағирлардаги тош уюмлари.

Яйлов минтақаси. Бу минтақада субальп ва альп ўтлоқлари мавжуд. Ҳудуднинг қўйи тоғ минтақасига туташган қисмида пакана арчалар ва субальп ўтлоқлари учрайди. Бу минтақада Hygromiidae оила вакилларидан *A. exasperata* субальп ва альп ўтлоқлари орасидаги тошлар остида яшайди.

Hygromiidae оиласининг кенг тарқалган турлардаги конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги *L. retteri, L. ferghanica, L. caryodes, L. rubens* турлари мисолида ўрганилиб, конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги чиғаноқ шакли, ранги, қалинлиги, скульптураси, киндик тузилиши ва ўлчамларида намоён бўлиши аниқланди.

Моллюскалар у ёки бу биотоп муҳитига мослашиши натижасида уларда турли хил даражада ўзгарувчанлик намоён бўлади. Масалан, Саричелек қўриқхонаси (Чотқол тоғ тизмаси) тош уюмлари остида яшайдиган *Leucozonella ferghanica* нинг чиғаноқлари яссилашган ва юпқа деворли бўлса, Эртошсой (Чотқол тоғ тизмаси)да ўтли ўсимликлар остида яшайдиган вакилларининг чиғаноқ шакли конуссимон бўлиб, ўрамлари гумбазсимон тузилишга эга. Ёки Резаксой дарасида (Қурама тоғ тизмаси) бутали ўсимликлар орасида тош харсанглари остида яшайдиган *L. retteri* чиғаноғи кучли яссилашган бўлса, Бахмал қишлоғи атрофида (Туркистон тоғ тизмаси) бутали ўсимликлар орасида яшайдиган моллюсканинг чиғаноқ ўрами конуссимон кўринишга эга.

2-Жадвал.

***Leucozonella retteri* турининг турли тоғ тизмаларида морфологик белгиларининг ўзгарувчанлиги (мм)**

№	Популяция	ЧБ	КаД	КиД	ЧОБ
1	Резаксой дараси (Қурама тоғ тизмаси)	7,15±0,5 CV% 2,85	11,09±0,5 CV% 0,04	10,18 ±0,7 CV% 3,79	6,64±0,4 CV% 3,14
2	Ургут сойи (Зарафшон тоғ тизмаси)	8,16±0,5 CV% 2,84	12,55±0,1 CV% 0,25	11,15±0,5 CV% 1,83	8,05±0,2 CV% 1,23
3	Бахмал қишлоғи атрофи (Туркистон тоғ тизмаси)	10,19±0,5 CV% 5,42	15,15±0,5 CV% 0,62	13,15±0,5 CV% 1,93	7,56±0,1 CV% 1,16

Изоҳ*:* ЧБ-чиғаноқ баландлиги; КаД-катта диаметр; КиД-кичик диаметр; ЧОБ-чиғаноқ оғиз баландлиги.

Hygromiidae оиласининг кенг тарқалган турлардаги конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги, нафақат чиғаноқнинг сифат белгиларида, балки морфометрик ўлчамларида ҳам намоён бўлади (диссертация ишида батафсил ёритилган). Масалан, *L. retteri* турида конхологик белгиларининг сифат ўзгарувчанлигига нисбатан, морфометрик ўлчамларида сезиларли даражада ўзгарувчанлик мавжуд (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 3 популяцияда яшайдиган моллюскаларнинг чиғаноқлари бошқа популяцияларга нисбатан анча йирик (10,19±0,5) бўлиб, ўзгарувчанлик коэфициенти - CV 5,42% тенг.

Чиғаноқнинг йирик бўлиши бу очиқ биотопларда яшайдиган моллюскаларга хос бўлиб, йирик чиғаноқларда захира сифатида кўпроқ намлик тўпланади. Бу намлик арид шароитида моллюскаларнинг яшаш имкониятини оширади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қурғоқчил иқлим шароитида чиғаноқнинг барча белгиларининг ўзгарувчанлиги яшаш жойига боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Диссертация ишининг тўртинчи боби **“Кенг тарқалган турларнинг ҳаёт тарзи”** деб номланиб, унда кенг тарқалган турлар *Leucozonella retteri* ва *Monacha cartusiana* турлари мисолида моллюскаларнинг ҳаёт тарзи баён этилган. *Leucozonella retteri* нинг кўпайиши табиий шароитда ўрганилиб, ҳаёт

цикли 6 босқичда (1.Қишки уйқудан уйғониш – апрель ойининг биринчи ўн кунлиги. 2. Фаол озиқланиб копуляцияга тайёрланиш ва копуляция босқичи – апрель ойининг иккинчи ўн кунлиги. 3. Тухум қўйиш ва унинг ривожланиши – апрель охири ва май ойининг боши. 4. Ёзги уйқуга кетиш ва ёзги уйқу – май ойининг охиридан октябрь ойи ўрталаригача. 5. Ёзги уйқудан уйғониш – октябрь ойининг охири. 6. Қишки уйқу – ноябрь-март ойининг охири) ўтиши аниқланиб, унинг ривожланиши учун оптимал ҳарорат 19ºС бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Hygromiidae оиласининг кенг тарқалган вакилларидан бири бу адвентив тур *Monacha carthusiana* бўлиб, унинг асл ватани Ўрта ер денгизи ҳудуди Болқон ярим ороли, Греция, Кичик Осиё, Эрон, Қримнинг жанубий қирғоқлари ҳисобланади. Бу тур илк бор 1988 йил А.Пазилов (1992) томонидан Туркистон тизма тоғининг шимолий ён бағрида жойлашган “Зомин” давлат қўриқхонасида қайд этилган.

Monacha carthusiana тури арид иқлим шароитига ниҳоятда тез мослашиб, унинг ареали йил сайин кенгайиб, популяциядаги зичлиги ортиб, Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағрида доминант тур даражасига кўтарилган.

Бу тур асосан, сув бўйларида ва унга узоқ бўлмаган жойларда учраб, ҳар хил ўтли ўсимликлар поясида ва уларни остки қисмида ҳаёт кечириб, ноқулай шароитни (ҳаво ҳароратини ўзгариши) ўсимлик поясига ёпишган ҳолатда ўтказади.

Monacha carthusiana, тадқиқотлар натижасига кўра ҳаво ҳарорати ўртача 12+14ºС, тупроқ ҳарорати 8+9ºС, ҳавонинг ўртача намлиги 70-80% бўлганда қишки уйқудан туради. Буларда биринчи копуляция қишки уйқудан тургандан 10-15 кундан кейин кунлик ҳавонинг ўртача ҳарорати 16+18 ºС, тупроқ ҳарорати 10+12 ºС, ҳаводаги намлик 80-90% бўлганда кузатилади.

Тухумининг ривожланиши ҳаво ҳарорати ва намлигига бевосита боғлиқ бўлиб, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати +18ºС (ҳаво ҳароратини эффектив йиғиндиси 306), ҳаво намлиги 80-90% да эмбрион 17 кунда ривожланади.

Monacha cartusiana тухумининг эмбрионал яшовчанлигини лаборатория шароитида тупроқда ва Петри ликопчасида ўрганилди (диссертация ишида батафсил ёритилган).

Ҳаво ҳароратининг паст (8ºС) ёки юқори (25ºС) бўлиши моллюска тухумининг ривожланишига салбий таъсир қилади. Масалан, паст ҳаво ҳароратида тухумнинг эмбрионал ривожланиши секин боради ва тухумнинг маълум бир қисми ривожланмайди. Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда эса тухум тез ривожланади, лекин тухумдан чиққан моллюскаларнинг ҳаммаси ҳам яшаб кетмайди, уларнинг маълум бир қисми нобуд бўлади.

“Муҳофазага муҳтож турлар таркиби ва уларни ҳимоя қилиш чора тадбирлари” деб номланган бешинчи боб муҳофазага муҳтож турлар ва уларнинг муҳофазасига бағишланган.

Охирги 30-40 йилда, антропоген кучлар таъсири натижасида-табиий ландшафтларнинг деҳқончилик, рекрация мақсадида ўзлаштирилиши ва моллюскалар яшаш ҳудудларидан чорва молларига яйлов сифатида ҳаддан

ташқари фойдаланилиш, моллюскаларнинг табиий яшаш жойлари қисқариб, ҳатто баъзи ҳудудларда йўқ бўлишига олиб келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида 150 дан ортиқ қуруқлик моллюскалари тарқалган бўлса-да, шулардан фақат 2 тур Ўзбекистон Қизил китобига киритилиб ва 10 га яқин турлар муҳофазага олиш учун тавсия қилинган бўлиб, улар, асосан, Bradybaenidae ва Enidae оила вакилларига мансублиги Hygromiidae оиласи вакилларидан эса фақатгина *Leucozonella globuliformis* камёб тур сифатида эътироф этилган

Hygromiidae оиласи вакилларининг популяция ҳолати таҳлил қилиниб, муҳофазага муҳтож турлар тўғрисида янги маълумот тайёрланиб, 4 тур (*Nanaja cumulata, N. chatkalica, L. corona, Archaica eleorika*) 2(VU:R) ва 2 тур (*O. diplodon, L. ferghanica*) эса 2(VU:D) мақоми билан Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобига киритиш тавсия этилган. Шунинг билан бир қаторда, муҳофазага муҳтож турларнинг тарқалиш харитаси тузилиб, уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган .

ХУЛОСА

“Ўзбекистон ҳудудида тарқалган Hygromiidae оиласининг эколого-таксономик таркиби ва ҳаёт тарзи” мавзусида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида Hygromiidae оиласи қуруқлиқ моллюскаларининг 4 кичик оила, 8 авлодга мансуб 33 турининг рўйхати тузилган. Фан учун битта ва Ўзбекистон фаунаси учун 5 та янги тур қайд этилди.

2. *L. mesoleuca* ва *L. angulata* турлари билан шу авлодга мансуб *L. hypophaea, L. rubens* ҳамда конхологик жиҳатидан *L. mesoleuca* га ўхшаш бўлган *Leucarchaica rudimentifera* турларининг нуклеотидлари таркибидаги рДНКнинг ITS-1 соҳасида сезиларли даражадаги фарқланишнинг мавжудлиги бу турлар конхологик жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлса-да, бироқ генетик жиҳатидан алоҳида мустақил тур эканлигини тасдиқлайди.

3. Hygromiidae оила вакилларининг яшаш жойи хусусиятидан келиб чиқиб, 4 экологик гуруҳларга ажратилди: 1-гигробионтлар; 2-мезобионтлар; 3-ксеробионтлар; 4-мезоксеробионтлар. Турлар сонига нисбатан мезоксеробионтлар гуруҳи кўпчиликни ташкил этиб (13 тур), Ўзбекистонда учрайдиган жами Hygromiidaeларнинг 39,39%ни, ундан кейин ксеробионт 8 тур ёки 24,24%, мезобионтлар 7 та 21,21% ва гигробионтлар 5 тур ёки 15,15%ни ташкил этиши кўрсатиб ўтилди.

4. Hygromiidae оила вакиллари баландлик минтақалари ва биотоплар бўйича нотекис тарқалган бўлиб, чўл минтақасида 5 биотопда 1 тур, адир минтақасида 3 биотопда 3 тур, тоғ минтақасида 6 биотопда 31 тур, яйлов минтақасида 2 биотопда 1 тур тарқалганлиги аниқланиб, моллюскаларнинг нотекис тарқалиш сабаби сифатида оптимал шароит хилма-хиллиги қайд этилди.

5. Hygromiidae оиласининг кенг тарқалган (*L. retteri, L. ferghanica, L. caryodes, L. rubens*) вакилларида борадиган ўзгарувчанлик жараёнларининг ўрганиш натижасига кўра, конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги чиғаноқ шакли, ранги, қалинлиги, скульптураси, киндик тузилиши ва ўлчамларида намоён бўлиб, қурғоқчилик иқлим шароитида чиғаноқнинг барча белгиларининг ўзгарувчанлиги яшаш жойига боғлиқ эканлиги аниқланди.

6. Hygromiidae оиласи вакилларидан *Leucozonella retteri* нинг кўпайиши табиий шароитда ўрганилди ва ҳаёт цикли 6 босқичда ўтиши аниқланиб, унинг ривожланиши учун оптимал ҳарорат 19ºС, намлик 80% бўлиши кўрсатиб ўтилди.

7. Турли хил ҳаво ҳароратида *Monacha carthusiana* тухумининг эмбрионал яшовчанлиги ўрганилди, шунингдек ҳароратнинг ўзгариши инкубация ва тухумининг ривожланишига турли хил таъсир этиши аниқланиб, ҳароратининг паст бўлиши инкубация даврининг узоқ давом этишига, ҳароратнинг юқори бўлиши эса унинг қисқаришига олиб келиши қайд этилди. Тухумининг ривожланиши ҳаво ҳарорати ва намлигига бевосита боғлиқ бўлиб, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати +18ºС (ҳаво ҳароратининг эффектив йиғиндиси 306), ҳаво намлиги 80-90% бўлганда эмбрионал ривожланиши учун оптимал бўлиши аниқланди.

8. Hygromiidae оиласи вакилларининг популяция ҳолати таҳлил қилиниб, муҳофазага муҳтож 4 тур (*Nanaja cumulata, N. chatkalica, L. corona, Archaica eleorika*) 2(VU:R) ва 2 тур (*O. diplodon, L. ferghanica*) эса 2(VU:D) мақоми билан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритиш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.B.91.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ГУЛИСТАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАХМУДЖОНОВ ЗАФАРЖОН МУРОДЖОН УГЛИ

ЭКОЛОГО-ТАКСОНОМИЧЕСКИЙ СОСТАВ И ОБРАЗ ЖИЗНИ СЕМЕЙСТВА HYGROMIIDAE, РАСПРОСТРАНЁННОГО НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

03.00.06 – Зоология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Гулистан – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/B243

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу (www.Guldu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Пазилов Абдувасит**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Иззатуллаев Зувайдулло Иззатуллаевич**
доктор биологических наук, профессор

Каримкулов Абдулла Тожикулович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится 8 мая 2021 года в 11^{00} часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.91.01при Гулистанском государственном университете (Адрес: 120100, Сырдарьинская область, город Гулистан, 4-мкр. Тел.: (+99867) 225-39-25, факс: (+99867) 225-39-25, E-mail: glsuinfo@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Гулистанского государственного университета (зарегистрировано за №4). Адрес: 120100, Сырдарьинская область, город Гулистан, 4-мкр. Тел.: (+99867) 225-39-25.

Автореферат диссертации разослан 21 апреля 2021 года.
(реестр Протокола рассылки №4 от 21 апреля 2021года).

Х.К. Каршибаев
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор.

Ф.П. Ганбиназарова
Ученый секретарь Научного совета по присуждениюучёных степеней, (PhD), д.ф.н.б., доцент

И.У.Уразбоев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., (DSc) профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день наблюдаемые в мире резкие изменения экологической обстановки также воздействуют и на биоэкологические особенности животного мира. Особенно расширение урбанизации становятся причиной локального сокращения мест обитания моллюсков и исчезновения редких и исчезающих в природе видов. Поэтому, определение разнообразия наземных молюсков, обоснование таксономического состава, разработка мероприятиц по охране редких и исчезающих видов имеет важное значение.

В мире, ведутся научны исследования по определению влияния широкораспространённых на естественных и антропогенных ландшафтах групп моллюсков на окружающую среду и биологические системы, определению влияния факторов на их популяции и разработке мероприятий по их охране. В этой связи, учитывая выживаемость представителей семейства Hygromiidae в пустынях, холмистых, горных местностях и урбанизированных территориях, а также адаптированности к различным станциям, уделяется отдельное внимание проведению научных исследований по таким преоритетным направлениям как разяснению изменений в популяциях моллюсков, обосновании биологии популяции, определении степени загрязнения естественных биоценозов, определении антропогенной нагрузки в предгорных и горных ландшафтах и разработке мер борьбы против вредоносных видов.

В нашей республики достигнуты определённые научные результаты при сохранении биоразнообразия, рациональном использовании природных ресурсов и охране животного мира, в частности, разработаны методы инвентаризации позвоночных животных, проведению кадастра и охране редких видов. В Стратегии дествий по дельнейшему развитию Республики Узбекистан[1] определены задачи по «устранению проблем, влияющих на окружающую среду и генофонд». Исходя из этих задач, оценка современного состояния наземных моллюсков семейства Hygromiidae Узбекистана, обоснование экологии и жизненного цикла, разработка мероприятий по сохранению редких и нуждающихся в защите видов имеет важное научное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач указа Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 914 «О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира» от 7 ноября 2018 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

---

[1] **Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»**

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики: Работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования по таксономическому составу и биологии наземных моллюсков проводились ведущими зарубежными учёными, таких как G.A.Parker (1983) F.Giusti, C.Manganelli (1987), A.Staikou, M.Lazaridou-Dimitriadou (1991), Sh.Adamo, A.Chase (1990), B.J.Gomez (1991) и другими. В странах СНГ исследовательские работы по систематике, зоогеографии, эволюции и хозяйственном значении наземных моллюсков Центральной Азии представлены в работах И.М.Лихарева, Е.С.Раммельмейера (1952), А.А.Шилейко (1978), Е.В.Шикова (1979, 1983), А.А.Байдашникова (1988, 1992), И.М.Хохуткина (1996, 2004), И.А.Балашёва (2006, 2011), А.Мухитдинова (1978), К.К.Увалиевой (1990), Н.В.Гураль-Сверловой, Р.И.Гураль (2010, 2012).

